

АССАЛОМ, НАВРУЗ!

1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Ілестинг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 21 (2672)

1994 ЙИЛ

18 МАРТ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҚУТЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати, раҳбарияти ва шахсий маркиби номидан Она юртимиз ва халқимиз осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида туну кун тиним билмай хизмат қилаётган ички ишлар идораларининг барча ходимларини, фахрийларини, жамики юртдошларимизни кириб келаётган қутлуғ Наврӯз байрами билан самижий муборакбод этаман.

Ушбу қувончили айём арафасида Сиз азизларга ҳур Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболи йўлида олиб бораётган шарафли ишларингизда улкан муваффақиятлар, шахсий ҳаётларингизда баҳт-саодат, узоқ умр тилайман. Наврӯз хонадонингизга осойишталик, юртимизга фаровонлик олиб келсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти
З. АЛМАТОВ.



• Наврӯзой баҳорни келди етаклаб

ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРУЗ!

Наврӯз, тўйларингдан ўргилай сенинг,

Наврӯз, бўйларингдан ўргилай сенинг.

Жонимдек суръман, мен ўғлинг бўлиб,

Наврӯз, кучогингда ухлайн сенинг.

Согиндим, ойга тенг кунларим ўтди,

Номингни айтольмай йилларим ўтди.

Юзлар кулиб турди, юрак йиглади,

Тўтизабон бўлиб тилларим ўтди.

Йиккىлдим деганда тугаб бардошим,

Тушларимда отам силади бошим.

Кипригимга кўнган опок капалак,

Ичib кетди менинг кўздаги ёшим.

Наврӯз, тўйларингдан ўргилай сенинг,

Наврӯз, бўйларингдан ўргилай сенинг.

Куйган юрагимни багрингта босай,

Наврӯз, кучогингда ухлайн сенинг.

Мухиддин ИСРОИЛОВ,
Учкўпrik тумани ИИБ ходими, милиция капитани.

Ҳашар — элга ярашар

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

“ХАЛҚ” дengизdir, халқ тўлқинidir, халқ кучdir, — деган эди ўз замонасининг мумтоз шоири Чўлпон. Ота-боболаримиздан қолган яна бир ибора ҳам бор: кўпчилик бир бурдадан берса тўйдиради. Албатта, булар ўз вақтида ва топиб айтилган гаплар.

Ҳашар ҳам шундай. Тордай кўринган ишни кўпчиликнинг қўли билан бир зумда битириб ташлаш мумкин. Авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган ажойиб удумларимиздан бири бу.

Улугайём — Наврӯз арафасида, яъни 12 марта

куни республика Ички ишлар вазирлиги жамоаси ана шу удумга риоя қилган ҳолда ташабbus кўrsatiб, ҳашарга чиқди. Ҳар кунги одатий беҳаловат дамларни бир кунгина бўлса-да унутган ходимлар ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Шу куни бошланган ишлар 19 марта даги умумхалқ ҳашари куни яна давом эттириладиган бўлди.

Ўз мухбиrimiz.

Қўшиқ — қалб МАЛҲАМИ

РЕСПУБЛИКА ИИВ Ички қўшинлари қошида тузилган ансамблнинг бир гурӯҳ санъаткорлари Қашқадарё вилоятида сафарда бўлдилар. Улар вилоят ички ишлар бошқармаси, ички қўшинларга қарашли бўлинмаларда ўз концерт дастурларини намойиш этдилар.

Санъаткорлар дастлабки куни В. Бударников раҳбарлик қилаётган бўлинма аскарлари хузурида бўлишди. Қизиқчи Т. Азизовнинг ичакузди ҳазилларидан залда қах-қахалар янгради. Хонандалар У. Ҳамдамов, М. Ҳакимов ижросидаги дилрабо кўй-қўшиклар мухлисларда катта таассурот қолдири.

Учрашув сўнгидаги бир гурӯҳ аскар йигитларни суҳбатга тортдик. Сержант Алишер Ваҳобов санъаткорларнинг чиқишиларидан кўнгли тўлғанинг билдириб, уларнинг дастурида аскарлар ва Ватан ҳимоясига багишиланган қўшиқлар кўпроқ бўлса, деган таклифи билдириди. Оддий аскарлар Жамолиддин Нуралиев ва Раҳмонали Рўзматовлар хизматларини эндигина бошлаган йигитларга Ватаннинг мард, жасур, содиқ ҳимоячиси бўлиб этишишларини тиладилар. “Санъаткорларимиз эса бизларни тез-тез йўқлаб туришсан”, — дейишди улар суҳбатимиз сўнгидаги.

Йигитларнинг қалб сўзларини хаяжонсиз тинглаш мумкин эмас. Уларнинг соглом, юрт учун қалқон, мағрур ҳимоячиларимиз эканлигидан фахрлансак арзийди.

Санъаткорлар Ж. Бафоев раҳбарлигидаги бўлинма ва вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам бўлишиб, ўз санъатларини намойиш этдилар. Бир сўз билан айтганда улар Қашқадарёда хизмат қилаётган Ватан ҳимоячиларининг қалбларидан чуқур ўрин эгалладилар.

ЯНА БИР ХАБАР

Чироқчи тумани ҳокимлиги энг долзарб муаммолардан бири бўлган темир йўлдан фойдаланиш борасида қатор қийинчиликларга дуч келарди. Туман ҳокимлигининг ташабbusи билан Яккабог—Чироқчи темир йўли курилишига дастлабки пойдевор қўйилди. Тумандаги барча ташкилот, корхона, хўжалик ва маданий муассасалар ушбу қурилишига баҳоли кудрат ўз ёрдамларини кўрсата бошладилар.

Бундай катта тадбирдан туман ички ишлар бўлими ходимлари ҳам четда қолишмади. Улар темир йўл курилиши жамгармасига ўз маошларидан бир миллион беш юз минг сўм пул ўтказдилар. Бундан туман ҳокимлиги хурсанд.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
вилоят Ички ишлар бошқармаси
матбуот гурӯхи катта нозари, милиция катта лейтенанти.

• Кулайми-куяйми?!

ОВ ҚИММАТГА ТУШДИ

20 февраль куни Охунбобоев туманининг етти нафар фуқароси балиқ овлаш мақсадида Ёзёвон туманининг Сассиқкўл даҳасидаги кўлларнинг бирига келишиди. Қишининг айни изгирин совугида, кўллар музлаб ётган бир пайтда балиқ овлашни улрага ким қўйибди, деб ҳайрон қоласиз. Лекин одамзод нималарга қизиқмайди дейсиз?

Балиқ ови охунбобоевлик ақахонларга жуда қимматга тушди. Аввалига кўлнинг чеккаргидан музни ёриб, “иш”ни бошлашди. Ов юришавермагач, жўраларидан бири – Икромжон Раҳмоновнинг кўл ўттарогидан балиқ тутгиси келиб қолди. У муз устида аста юриб кетди. Эллис метрча юрган ҳам эдик, муз ёрилиб, И. Раҳмонов гарқ бўлди. Шериқлари қанчалик уринишмасин, уни топа олмадилар. Орадан анча вақт ўтгач, уни топишиди. Аммо кечикишган эди...

ОМОНЗОДА.

Тўй муборак...

Ўғил тўйи тараддуудида юрган Набижон ҳарбийдаги хизматдош дўстларини ҳам тўйга айтиб келмоқчи бўлди. Шу мақсадда у яқин ўртоқларидан бири Иброҳимжоннинг олдига келиб, Султонободдаги дўстларини яхши билганилиги учун бирга бориб келишини илтимос қилди.

Иккиси Кўргонтепа шаҳридаги автобекатга келиб, Кўргонтепа-Хонобод йўналишидаги автобусни кутиб турганларида, танишлари Зиёддинни ураттиб қолдилар. Тўйбоши, албатта уни ҳам тўйга айтгач, Султонободга ҳамроҳ бўлиб бориб келишини таклиф қилди. Зиёддин автобекатдаги буфетга кириб йўл олдидан “қиттай-қиттай” қилиш кераклигини айтди. Иброҳимжон ичмаслигини айтиб, улардан узр сўради. Набижон билан Зиёддин эса буфетга киришиб икки шишиани бўшатиб чиқишиди.

Сўнгра учовлон автобусда йўлга тушишиди.

Қорасувдан чиқаверишдаги “Учтош” бекатида автобусдан тушган ёши элликлардан ўтган бир йўловчи шимининг чўнгатини пайпаслаб кўрди-ю, ранги оқариб кетди.

Бир неча дақиқа аввал чўнгатига турган 85 минг сўм пули ўйқ ёди. У дарҳол автобусни тўхтатиб йўловчиларнинг гувоҳлигига бир икки боланинг чўнгатларини текшириб кўрди. Кейин орқароққа ўтиб олган Зиёддинга қараб тўсатдан: “Орқа томонимда сен турувдинг, пулни сен олгансан!” деб қолди. “Йўқ”, мен олмадим” деб турaverди у. “Майли, ўн минг сўмни ўзингга, бераман” деб ялинса ҳам бўлмади. Йигитнинг тониб туришибдан иш чиқмагач, йўловчи ҳамманинг гувоҳлигига Зиёддинни ҳам текширишга мажбур бўлди. Дарҳақиқат, қариянинг пули унинг чап оёқ пойласи остидан чиқди. Ўгрилиги фош бўлган Зиёддинни одамлар дўйпослай кетдилар.

Ўша куни ўғирликка мутлақо дахли бўлмаган Набижон ва Иброҳимжонлар эса, хижолатдан бошлари ҳам бўлиб ортга қайтишиди.

Ҳабибулло ЖАКБАРОВ,
Қорасув шаҳар ИИБ терговчиси,
милиция катта лейтенанти.

НАМАНГАН:

ОББО ЗЎРАВОН-ЕЙ...

Шу йилнинг 7 февраль куни Ўчи туманинаги Ёркўргон кишилогида яшовчи ўй бекаси Ўчи тумани марказида истиқомат килувчи Раҳимани бекордан бекорга уриб тан жароҳати етказган. Натижада ожиза касалхонага ётади. Муштумзўр эса қўлмишига яраша жазосини олди.

СИМЁФОЧ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

ЯНВАРЬ ойида номаълум шахс Гурумсарой давлат хўжалигидаги юқори кучланишдаги электр симларини тортишга мўлжалланган 42 метр узунликдаги металустун винтларини бўшатиб,

ўғирлаб кетган эди. Олиб борилган тезкор-қидирив ишлари натижасида ушбу ўғирликни юқоридаги манзилда яшовчи Усмонов содир этганлиги аниқланиб ушланди.

БЕЗОРИ


ҲАҚҚУЛОБОД шаҳридаги 2-ошхона олдида тўс-тўполон бўлиб қолди. Номаълум шахс ногирон нафакадор Фозил Ҳасановни ҳақоратлаб уриб унга тан жароҳати етказди. Бу ҳам камлик қилганидек, овқатланиб ўтирган хўрандаларнинг тинчини бузди ва кўздан гойиб бўлди. Суриширув ишлари натижасида безори аниқланиб қўлга туширилди. У 1964 йилда тугилган Норин уму-

мий овқатланиш корхонасида ишловчи Н. Х. бўлиб чиқди.

СОМ ИШҚИБОЗИ

14 февраль куни бир йигит Наманган қишлоқ хўжалиги техникимининг талабаси Ўчи тумани Ёркўргон кишилогида яшовчи Хайтовнинг чўнтағидаги 67 сом қирғиз пулини тортиб олиб гойиб бўлган. Милиция ходимлари тезкорлик билан иш бошлаб юбордилар. Натижада талончи аниқланиб ушланди. У юқоридаги техникум талабаси, Тўракўргоннинг Сайрам кишилогида яшовчи Ж. Жўраев бўлиб чиқди.

Б. КАРИМОВ,
милиция лейтенантини.



• Да да жонимиз қанилар?

“ЯХШИСИ, БОНИМИЗ ТОШГА УРИЛМАСИН”

Осоишталик посбонлари ҳақида гап кетар экан, бир танишим шундай деб қолди:

– Биз ички ишлар ходимлари ҳаётини яхши билмаймиз. Оғизга кучи етмаганлар улар хусусида нималар демайди. Қачонки, бошинг тошга урилганда гина сезасан буни. Яқинда бир танишим милиция ходимининг ёрдами ҳақида гапириб берганида ҳақиқатан ҳам улрага осон эмаслигига имон келтирдим.

– Чиндан ҳам ўтган ой ўрталарида шундай воқеа содир бўлди, – дейиши менга шаҳар ички ишлар бўлимида. – Бўлимимиз ходими, милиция капитани Исаҳон Файзиддинов ўз касбига фидойилигини намойиш этди. У содир бўлган жиноятнинг қисқа фурсатда очилишини таъминлади. Воқеа бундай бўлганди.

Исаҳон ўша куни одатдагидек, соат 23 ларда навбатдаги топшириқ билан Совет тумани бўйлаб машинасида бораётганида кимдир жон ҳолатда ёрдам сўраб қичқирганини эшитиб қолди. Рулни ўша томонга қараб бурди.

– Ёрдам беринглар...

– Тушунтирироқ гапиринг, ўзи нима бўлди? – дейа сўради И.Файзиддинов, – ҳалиги одамга яқинлашаркан.

– Сафардан қайтаётib укамни бирров кўриб чиқунимча кўча четига қўйган юқ автомобилимни кимдир олиб қочибди.

Жиноят 5-кичик туман ҳудудида содир этилганди. Демак, ўгри автомобашинани ҳеч қачон шаҳар марказига қараб ҳайдамайди, – ўзича мулоҳаза юритди милиция капитани. – Тўракўргон ва тайёраго ўналишлари ҳам бундан мустасно. Негаки, йўлда давлат автомобил назоратчилари бор. Шунинг учун ҳам ёнига жабрланувчини ўтказиб автомобил

рулини Тўракўргон – Наманган – тайёраго ҳорраҳасидан ўнг тарафга бурди. Тун оғиб қолганидан бу кичик кўчада бирон, транспортнинг “милт” эттан чироги кўринмасди. Наманган – Косонсой йўлига чиқиши ҳамки, ҳеч нарсадан дарак бўлмади. Ўгри автомобашинани Ахсикент мавзеси орқали адирликларга олиб кетиб ўша ерда эҳтиёт қисмларини ечиб олиши мумкинлигини ҳаёлига келтирган тезкор вакил шу ўналишда тезликни ошириди. Ниҳоят, тураржойлар тугаб эгри-буғри йўл хилват қирларга туташганида чироқни ўчириб носоз майдонлардан бешиктерватардек бораётган автомобашина кўринди.

– Ўша, ўша, менинг машинам, – деди жабрланувчи.

Сал ўтмасдан Исаҳон ўғирлаб кетилаётган условни қоя четида тўхтатди. Машинасидан тушиб ўғриларга қараб юргурди. Ўгрилар ҳам анои эмасди. Автомобилдан фақат бир кишигина тушганлигини сезган жиноятчи эшикни очиб И.Файзиддиновга тан жароҳати етказмоқчи бўлди. Аммо тезкор вакиллар ҳам бошқа ҳамкаслари қатори юз бериши кутилган ҳар қандай вазиятга олдиндан тайёр туришади.

Капитан ўзини четга олди ва шу заҳоти ҳайдовчининг нариги томонида шериги борлигини ва у қўлига ҳандайдир темирни ушлаб айланиб ўтаётганилигини пайқаб қолди. Вақти бой бермасдан ундан олдин ҳужумга ўтди ва жиноятчini ерга ағдарди. Рулда ўтирган жиноятчini эса қаттиқ силтаб пастга ағдарди, қўлини орқасига қайирди.

Ҳозир бу иш бўйича тергов ишлари кетмоқда. Тезкор ходим эса мукофотта тавсия этилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

ШИНГИЛ ХАБАРАЛАР

92 ёшли Англия ёзувчиси Барбара Картланд учун бир йилда 26 роман ёзиш меъёр ҳисобланади.

Бир литр сутни Россия дехони 180 сўмга сотади. “Кировец” трактори учун бир дона гилдирақни эса бир миллион 200 минг рублга сотиб олади.

Австриянинг 60 ёшли Президенти Томас Клестилни хотини ташлаб кетди. Маълум бўлишича, кампир эрининг Ички ишлар вазирлигидаги ёш ходима билан алоқаси борлигини билиб қолган экан.

Қамоқхонада соқол қўйиб олган Александр Руцкой 15 килога озди. Ҳозирда эсадаликлар ёзмоқда.

Алкоголли ичимликларини истьемол қилиш бўйича Латвия жаҳондаги биринчи ўринларнинг бурига чиқиб олди.

Белорусда энг кам иш ҳақи билан 6 шиша ароқ сотиб олиш мумкин.

Аргентинада парламент ва ийсатчилар қараганда кўпроқ журналистларга ишонишади.

Икки америкалик негр – 35 ёшли ишсиз ва 85 ёшли нафақадор хайрия лотереясида 45 миллион доллардан пул ютиб олишиди.

Москва қотиллик жинояти бўйича Нью-Йоркни қувиб ўтди.

Хитой коммунистлари бирбирларини ўртоқ деб аташи бас қилдилар, француз компартияси эса демократик централизм тамоилидан воз кечди.

Тюмень шаҳрининг марказий қўчаларидан бирида ҳалок бўлган мафия гуруҳи бошлигига ҳайкал ўрнатилган.

Грузияда энг кам ойлик иш ҳақи 50 минг купондир. (400 рубл). Бозорда эса бир кило гўшт 300 минг купон (2,5 минг рубл) туради.

Яшаш давомийлиги бўйича Россия Европада охирги ўриндан битта юқорида туради. Охирги ўринда – Албания давлати.

Москвада Киевга посылка жўнатиш нархи Москвадан Киевга бориши учун поезднинг плацкарт вагонига олинган учта билет баҳоси ёки иккита купе вагонига олинган билет баҳоси билан тент.

59 ёшли америкалик рус Савелий Крамаров хотини ва беш ёшли қизаси билан Лос-Анжелосда яшайди. У доимий телетомашаларни суратга олишда қатнашганилиги учун ҳафасига 5 минг доллар ишлайди. Агар кинода ишласа, бу пулни бир кундаётк топади.

“АЗИЯ” газетаси.

ШИНГИЛ ХАБАРАЛАР

— Кечкүрун тогдаги танишмениң күнінің жүнаймыз, — деди Қамбар Барнохон билан Рұзивойта. — Құттарғанича нарсалардан сотиб, шу баҳонада ут-тұрт күн төг қавосыда яйраб келамиз.

Барнохон рози бұлғач, Қамбар Рұзивойни қовлиға имлаб қақириб, унга шипшиди:

— Сенға бироз пул билан тилла буюмлардан ҳам ташлаб кетаман. Шаҳарға ташып, Барнохоннинг ўрнига биронтасини топиб ол. Менинг тоққа кетганимни ҳеч кимга айта күрмә. Түя күрдингми, йўқ! Иккі-уч кундан кейин яна Сардобага бориб, ахволни билип кел. Натижасын менән етказ. Мен ху ҳалиги ўзимиз кимизхүрлик қылган Дўсмир чўпонника бўламан.

Нормамат TOFA

ТУНГИ ШАРЛАЛАР

Камбар жувонни “хотиним”, деб таништырса-да, унинг бу келишини Дўсмир чўпон унчалик ёқтиради. Буни Қамбар ҳам фаҳмлади. Чайла ичида хира фонус шуъласида узук-юлук сұхбат устида тамадди килишиб, чой ичишгач, Дўсмирнинг хотини Барнохонга чайла олдидағы ўзи ва болалари қаторидан жой қилиб берди. Эри билан Қамбарға чайлдан сал нарироқдаги яланглика жой тайёрлади. Барнохон қаторнинг энг чеккасидан ўзига солинган жойга ижиргани чўзилди.

— Қамбар, — деди Дўсмир жойларига чўзилгандардан кейин у томонга қараб ёнбошларкан, шивирлаган товушда, — бу аёл хотинингиз эмас-ов.

Қамбар ҳам у томонға қараб ёнбошлади. Дўсмирнинг копкора башараси, копкора соколмўйлови ой ёғудисида жуда дахшатли кўринди.

— Нимадан шубха килаипсиз?

— Ҳеч ўшамаяпти-да.

— Ўганин ўгри алдаса бўлмайди, — пиҳиллаб кулди Қамбар, — обқочиб келдим, аниги, ўғирлаб келдим. Бир-икки ой шу ерда яшаб турмоқчиман.

Дўсмир узок сукутдан сўнг деди:

— Ундаи бўлса бу ер бўлмайди. Хотин, бола-чақанинг олдида ўнгайсиз. Битта чайлдан бошка жой йўқ. Эртага нариги сой бўйидан юлгундан чайла килиб бераман.

Қамбар индамай бошини естикка босди.

— Бу ердан кетамиз, — деди эрталаб турибоқ Барнохон Қамбарга кисталанг қилиб, — төг қавоси менга маъкул тушмади. Шаҳардан бориб тезроқ уй топайлик.

— Бу ердан нарироқда ўзимиз алоҳида чайла қурамиз-да, яна түрт-беш күн яшаб турамиз.

— Нима, чайла қуриб, яшаб турамиз? Жуда зарур кептими меня чайлда ғанға беланиб яшаб туриш!

— Чанг бўлсанг, сойда чўмилиб турасан.

— Ҳўш, бундай килишдан қўзлаган мақсадингиз нима?

— Тог қавосидан тўйиб олиш.

— Мен тўйдим!

— Турмайсанми?

— Йўқ!

Қамбар Барнохонни эркалаб сўйган бўлди:

(Охири. Бони ўттаги сонларда).

— Атиги бир кунгаямми? Барнохон эриб, шаштидан тушди:

— Бор-йўги бир кунга бўлса, майли.

— Юр, сой бўйига бориб, ўшаётка дам олиб ётамиз.

— Корним оч.

— Буниям иложини топамиз.

Қамбар чайлдан анча узокқа қурилган кўтон олдида хотин, бола-чақалари билан кўйлар атрофида айланышиб юрган Дўсмирни чакирди:

— Ошнам, гап бундай, манаву пулни олинг-да, отингизни миниб, гизиллаб паства тушиб келинг. Катта йўл бўйидаги бозорчадан бизга егулик, ичкилик келтириб беринг. Биз сой бўйида бўламиз. Кейин бирйўла чайла ҳам қуриб берасиз.

— Қўйинг, чўпон келиб колади.

— Келмайди.

— Қўйинг, юрагимга ҳозир хеч нарса симгаяпти. Яхшиси, чайла-пайлангизни кўйинг, тезроқ шаҳарга қайтайлик. Вактинчалик ҳаёт, вактинчалик яшаш, вактинчалик машшат, ҳамма вактинчаликлар жонимга теккан. Энди дурустрок, одамдай бўлиб яшамоққа аҳд қилаётганимда, яна вактинчаликка дуч келдим. Агар сиз шаҳарга мен билан боришина истамасангиз, кўйворинг, мен ўзим кетаман!

— Ечин!

Барнохон Қамбарнинг дахшатли овозидан бир чўчиб тушиб, кўксини очиб туфларкан, важоҳатини кўргач, кўркув аралаш ечинишга тушди. Улар сувга тушишди. Қамбар сув ичиди Барнохонни ёлғондакам ҳазил-хузул билан у ёқдан-бу ёқса силкиласа-да, хаёлида минг хил режа гужгон ўйнар, Барнохонни гоҳ у қўлидан, гоҳ бу қўлидан силкиб тортиб, сувга пишар, гўё шу билан үннинг барча гуноҳларини сувда ювиб, бокий дунёга поклаб жўнатмоқчидек харакат қиларди.

— Бўлди! — деди Барнохон қўлини силтаб тортиб. — Чикамиз, этим увишиб кетди. Сув жуда совуқ экан.

Қамбарга сувнинг совуқлиги ҳам сезилмасди. У ёниб борарди. У бехосдан Барнохоннинг социдан бураб ўйқитди-да, бошини сув остига тикиди. Барнохон сув остидан хириллаб чинкиди:

— Қўйворинг! Вой, ўлдим!

Қамбарнинг раҳмизизлик билан қылган бу ёвулигидан сой суви ҳам сессангандек ортга калкиб, лойқаланди, сўнгра Қамбарнинг кирдикоридан нафратлангандек, тўлқин солганича кўпирисиб оқа бошлиди. Даражатзордан бир гала қушлар париллаб кўкка кўтарилид. Бу разилликдан қимларнидир огоҳ этаётгандек, қимларнидир кўмакка, шоҳидликка чакиришаётгандек безовта чириллашди. Тош устида хўмрайиб ўтирган бойўғли ҳам Қамбар томонга бир ўқрайиб қараб кўиди. Қуёш юзини бир зум кора булут тўсди.

Барнохоннинг овози тингач, Қамбар уни сув ичиди қолдириб, соҳил томон сув кечиб юраркан, уч қадам ташлаб яна орқасига ўрилди. Саёзликда чалқанча ётган Барнохоннинг юзларини сув ювиб, оқишида давом этарди.

Қамбар сой бўйига чиқиб, ажрик устига чалқанча чўзилди. Икки кафтини босига ёстиқ килиб, Барнохон каби ўйсиз, хаёлсиз ётаверди. Бир пайт чап қулоги ичиди чумоли ўрмалагандек бўлиб, сапчиб ўрнидан турди. У шу турган жойида донг котиб қолди.

— Хўш, Қамбарбой, сой бўйида хордиқ чиқараптисиз?! Бу ер бўлмайди. Қилган хизматларингиз эвазига сизни дурустрок жойга дам олишга жўнатмоқчиман. Кийининг!

Бу Кенжаси Ботиров эди. Куролли икки милиция ходими куршовиди кийинаётган Қамбардан нафрат кўзини олиб, ўёқ-бўёқка алланглаётган Кенжаси Ботировнинг ташвиши нигоҳида яна кимнинир ахтараётганлик аломати бор эди. Шучоқ унинг нигоҳи сувда ётган Барнохоннинг жасадига тушди-ю бакириб юборди:

— Ана у! Азamat! Югор, ечиниб сувга туш!

Тепалик ортида панадан туриб бу ҳолатни кузатиб турган икки милиция ходими ёнларидаги кўллари кишиланган Рўзивойни олдиларига солишиб, Дўсмирнинг чайласи ёнида турган машиналарга қайтишиди. Уларнинг ёнида Дўсмир ҳам бор эди. Лекин у таек тутиб бораётган кўлларига ҳадемай Рўзивойдек кишиш солинишини ҳали билмасди...

— Атиги бир кунгаямми?

Барнохон эриб, шаштидан тушди:

— Бор-йўги бир кунга бўлса,

— Юр, сой бўйига бориб,

— ўшаётка дам олиб ётамиз.

— Корним оч.

— Буниям иложини топамиз.

Қамбар чайлдан анча узокқа қурилган кўтон олдида хотин, бола-чақалари билан кўйлар атрофида айланышиб юрган Дўсмирни чакирди:

— Ошнам, гап бундай, манаву пулни олинг-да, отингизни миниб, гизиллаб паства тушиб келинг. Катта йўл бўйидаги бозорчадан бизга егулик, ичкилик келтириб беринг. Биз сой бўйида бўламиз. Кейин бирйўла чайла ҳам қуриб берасиз.

— Ечин!

Барнохон Қамбарнинг дахшатли овозидан бир чўчиб тушиб, кўксини очиб туфларкан, важоҳатини кўргач, кўркув аралаш ечинишга тушди. Улар сувга тушишди. Қамбар сув ичиди Барнохонни ёлғондакам ҳазил-хузул билан у ёқдан-бу ёқса силкиласа-да, хаёлида минг хил режа гужгон ўйнар, Барнохонни гоҳ у қўлидан, гоҳ бу қўлидан силкиб тортиб, сувга пишар, гўё шу билан үннинг барча гуноҳларини сувда ювиб, бокий дунёга поклаб жўнатмоқчидек харакат қиларди.

— Бўлди! — деди Барнохон қўлини силтаб тортиб. — Чикамиз, этим увишиб кетди. Сув жуда совуқ экан.

Қамбарга сувнинг совуқлиги ҳам сезилмасди. У ёниб борарди. У бехосдан Барнохоннинг социдан бураб ўйқитди-да, бошини сув остига тикиди. Барнохон сув остидан хириллаб чинкиди:

— Қўйворинг! Вой, ўлдим!

Қамбарнинг раҳмизизлик билан қылган бу ёвулигидан сой суви ҳам сессангандек ортга калкиб, лойқаланди, сўнгра Қамбарнинг кирдикоридан нафратлангандек, тўлқин солганича кўпирисиб оқа бошлиди. Даражатзордан бир гала қушлар париллаб кўкка кўтарилид. Бу разилликдан қимларнидир огоҳ этаётгандек, қимларнидир кўмакка, шоҳидликка чакиришаётгандек безовта чириллашди. Тош устида хўмрайиб ўтирган бойўғли ҳам Қамбар томонга бир ўқрайиб қараб кўиди. Қуёш юзини бир зум кора булут тўсди.

Барнохоннинг овози тингач, Қамбар уни сув ичиди қолдириб, соҳил томон сув кечиб юраркан, уч қадам ташлаб яна орқасига ўрилди. Саёзликда чалқанча ётган Барнохоннинг юзларини сув ювиб, оқишида давом этарди.

Қамбар сой бўйига чиқиб, ажрик устига чалқанча чўзилди. Икки кафтини босига ёстиқ килиб, Барнохон каби ўйсиз, хаёлсиз ётаверди. Бир пайт чап қулоги ичиди чумоли ўрмалагандек бўлиб, сапчиб ўрнидан турди. У шу турган жойида донг котиб қолди.

— Хўш, Қамбарбой, сой бўйида хордиқ чиқараптисиз?! Бу ер бўлмайди. Қилган хизматларингиз эвазига сизни дурустрок жойга дам олишга жўнатмоқчиман. Кийининг!

Бу Кенжаси Ботиров эди. Куролли икки милиция ходими куршовиди кийинаётган Қамбардан нафрат кўзини олиб, ўёқ-бўёқка алланглаётган Кенжаси Ботировнинг ташвиши нигоҳида яна кимнинир ахтараётганлик аломати бор эди. Шучоқ унинг нигоҳи сувда ётган Барнохоннинг жасадига тушди-ю бакириб юборди:

— Ана у! Азamat! Югор, ечиниб сувга туш!

Тепалик ортида панадан туриб бу ҳолатни кузатиб турган икки милиция ходими ёнларидаги кўллари кишиланган Рўзивойни олдиларига солишиб, Дўсмирнинг чайласи ёнида турган машиналарга қайтишиди. Уларнинг ёнида Дўсмир ҳам бор эди. Лекин у таек тутиб бораётган кўлларига ҳадемай Рўзивойдек кишиш солинишини ҳали билмасди...

— Ечин, сувга кирамиз.

ЖЕМШИД ЗОЛДА

Тарихинг, таърифинг тилларда достон,
Куёш чарақлайди, мовийдир осмон.
Хофиз кўшик айтар, рақс этар жонон,
Севинч бағишишсан кексаю ёшга
Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа!

ҲИҚМАТ БАХШИ.



Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ички шиллар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг Чиқиши-келиш ва фуқаролик бўлими бошлиги, милиция подполковники Рустам Зокирович ШОКИРОВНИ 18 марта — таваллуд топган кунлари ва ЭЛЛИК йиллик юбилейлари муносабати билан чин қалбдан табриклийдилар ҳамда ӯ кишига сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат, хиз

ЗАПГОРП ЭКРАНДА

ДУШАНБА

21 МАРТ
АССАЛОМ, НАВРУЗ!

ЎзТВ I

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21 МАРТ СОАТ 7.00 ДАН 22 МАРТ СОАТ 5.00 ГАЧА НАВРУЗГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН ЎТКАЗАДИ.

ЎзТВ II

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ СОАТ 19.00 ДАН НАВРУЗГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН ЎТКАЗАДИ.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

18.25 «Гол».

18.55 «Хужожатлар ва тақдирлар».

19.05 «Турмуш икни-кирилари». Бадий телесериал премьераси, 39-серия.

19.35 «Миниатюра».

19.50 «Биз». В. Познернинг музалифлик кўрсатуви.

20.40 Хайри тун, кичконтойлар!

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгилликлар.

21.30 Н. Гоголь. «Ўйинчилар».

«Артистлар артели» театри фильм-спектаклининг премьераси.

23.20 «Спорт уйик-энди».

23.45 «Славяне» миллий рақс театри ижро этади.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* «ОМАД» танишириди:

9.00—14.40

18.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

* РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Мульти-пульты,

19.10 «Хар бир кун байрам».

19.20 Душанба куни дектектив. «Йўқолган шахта». Бадий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.

20.25 «Хақиқат онлари».

21.25 Спорт кўрсатуви.

* 21.30—23.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Сен менинг қўшиғимсан».

Мусиқий кинокомедия.

СЕШАНБА

22 МАРТ

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Халқ кўйларини қалбингда асрар».

Фильм-концерт.

9.30 «Наврӯз олам келди». Бадий-публистик кўрсатуви.

10.10 «Орол оҳандарни». Телефильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Табииатшунослик.

11.00 «Еркин юндузлар». Мирада Улуғбек тавалудининг 600 йиллигига багишланади.

11.30 Адабий театр. Э. Воҳидов.

«Доминишкол патидалар».

12.00 «Ёшлик» студияси. «Ранглар жилоси».

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Кичинотий» студияси. «Дено бобо даврасида».

18.40 Солик инспекцияси фаолиятидан.

18.55 Эълонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.15 Эълонлар.

19.20 «Сўх дарёс бўйлаб». Телефильм.

19.35 «Назм ва наво». Феруз тавалудининг 150 йиллигига.

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Эълонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.50 «Ислодотнинг янги босқичи».

21.20 «Батанин севмоқ, иймондандир».

Мирада Улуғбек тавалудининг 600 йиллигига.

22.20 «Армон». Бадий фильм.

23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.15 «Сахифа ўрмон».

19.30 Спорт кўрсатуви (рус тилида).

19.50 «Стоп, карди!».

20.50 «Лаги». Телефильм.

«ОМАД» кўрсатади;

21.15 Эълонлар. «Нинонгоҳ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».

18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

18.25 «Парда ортида».

18.55 «Оддин Мария». Кўп серияни телевизон бадий фильм премьераси.

19.45 «Протокол сатрларида».

19.55 «Мавзу».

20.40 Хайри тун, кичконтойлар!

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгилликлар.

21.30 «Бомонд».

21.45 «Останкино» телеканалидабиринич марта. «Харбий шифкор». Бадий фильм. (Франция, 1983 й.)

23.30 «Бумеранг».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

* 18.00—19.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* 21.30—23.00

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* 21.30—23.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* 21.30—23.00

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* 23.00—23.00

ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Осанон камти». Бадий фильм.

ЧОРШАНБА

23 МАРТ

ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.

*

9.15 «Дастлабки тергов». Бадий фильм.

10.45 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондешиги».

11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).

11.30 «Китоб ва хаёт».

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Талим ва ислоҳот».

18.40 «Шеърият дақиқалари». Маҳмуд Торов.

18.55 Эълонлар.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.15 Эълонлар.

19.20 «Ўз ерининг эгаси».

19.40 «Иқтисадимиз ташнчлари».

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Эълонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».

21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизон танлови.

23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.15 Эълонлар.

19.20 «Ўз ерининг эгаси».

19.40 «Иқтисадимиз ташнчлари».

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Эълонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».

21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизон танлови.

23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.15 Эълонлар.

19.20 «Ўз ерининг эгаси».

19.40 «Иқтисадимиз ташнчлари».

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Эълонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».

21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизон танлови.

23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.15 Эълонлар.

19.20 «Ўз ерининг эгаси».

19.40 «Иқтисадимиз ташнчлари».

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Эълонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».

21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизон танлови.

23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.15 Эълонлар.

19.20 «Ўз ерининг эгаси».

19.40 «Иқтисадимиз ташнчлари».

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 Эълонлар.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».